

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ
№ ВМ – 343 - 5А340606 – 2.08
«1» Июль 2003 й

«ТАСДИҚЛАНДИ»
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

«8» Июль 2003 й

**ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИ
МОНИТОРИНГИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 -«Бизнес ва бошқарув»
таълим соҳасидаги 5А3406012 - «Капитал қўйилмаларни
молиялаштириш ва уларнинг мониторинге!»
магистратура мутахассислиги учун**

Тузувчилар: доц. Жўраев А. С.
доц. Омонов Х. Э.

Такризчилар: доц. Тошмуратов Ш. М.
к.ўқ. Маматов Б. С

Давлат инвестиция дастури инвестиция сиёсатини амалга оширишда муҳим восита сифатида майдонга чиқса, инвестиция дастурлари мониторинга унинг самарали ижросини таъминлашнинг асосий омилдир. Инвестиция дастурлари мониторинга дастурга киритилган ва амалга ошириладиган лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатиш орқали устувор соҳаларнинг ривожланишини таъминлашда муҳим ўрин тутди. «Инвестиция дастурлари мониторинга» фанининг бош мақсади республикамизда стратегия маҳсулотларни ишлаб чиқаришга инвестицияларни йўналтириш, уларни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби жараёнининг дастурда кўзда тутилганидек амалга оширилишини таъминлаш учун олиб бориладиган мониторингнинг аҳамияти ва заруриятини магистрантларга ўргатиш ҳисобланади. баённома)

Дастур Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

Если государственная инвестиционная программа выступает как важное средство при осуществлении инвестиционной политики, мониторинг инвестиционных программ имеет большое значение в обеспечении его эффективного исполнения. Мониторинг инвестиционных программ имеет важное место в обеспечении развития приоритетных отраслей через влияние на повышение эффективности осуществляемых проектов. Основной целью предмета «Мониторинг инвестиционных программ» является изучение магистрантами значения и необходимости мониторинга, осуществляемого для направления инвестиций на производство стратегических продуктов, порядка, а также процесса их финансирования и кредитования.

If the state investment program is important in the investment policy then the monitoring of investment program has a great meaning in realizing the effective execution. The monitoring of investment projects has an important place in providing the development priority areas through impact on increasing projects effectiveness, included in investment program. The main aim of subject "Monitoring the investment programs" is learning by the masters the meaning and necessity of monitoring making providing and realizing the investment directions to production the strategic products, order and process of their financing.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли

1. СЎЗ БОШИ

Инвестиция дастурларини самарали ва муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан улар юзасидан олиб бориладиган мониторинг жараёнлари сифатига боғлиқ бўлади. Инвестиция дастурлари мониторинги иқтисодийнинг турли тармоқларига тегишли бўлган ва давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг тармоқлар ҳамда ҳудудларда амалга оширилиши натижасида уларнинг ривожланишига бевосита таъсирини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мониторинг мазкур лойиҳаларни самарадорлигини таъминлаш мақсадида улар устидан олиб бориладиган кузатув, текширув, таҳлил, ва назорат ишларини қамраб олади.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

«Инвестициялар дастурлари мониторинги» фанини ўқитишнинг бош мақсади магистрантларга Ўзбекистонда амалга ошириладиган инвестиция дастурлари юзасидан олиб бориладиган мониторинг жараёнларини ўргатиш ҳисобланади. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда фаннинг асосий вазифаси инвестициялар дастурлари мониторингининг иқтисодий аҳамиятини, мониторингни олиб бориш босқичларини, унинг турларини ўргатиш ҳисобланади.

Мазкур фан «Давлат инвестиция сиёсати», «Капитал қўйилмаларни молиялаштириш», «Халқаро инвестициялар ва уларнинг молиявий таъминоти», «Давлат инвестиция дастури ва уни шакллантириш», «Инвестиция лойиҳалари мониторинги», «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми», «Халқаро валюта операциялари ва ҳисоб-китоблар», «Банк менежменти ва маркетинги», «Халқаро инвестиция бозори» каби фанлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, магистрантлардан ушбу фанларни ҳам ўзлаштиришлари талаб этилади.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида магистрантлар тегишли билимга, кўникма ва маҳоратларга эга бўлишлари лозим.

Магистрантлар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир каторда инвестиция дастурларини шакллантириш ва уларни амалга ошириш, уларнинг мониторинги билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлишлари лозим.

Магистрантлар «Инвестиция дастурлари мониторинги» ўқув фани бўйича куйидаги масалаларни билишлари лозим:

- инвестиция дастурларининг мақсади ва вазифаларини;
- инвестиция дастурларини шакллантириш тартиби ва муддатларини;
- инвестиция дастурларига киритиладиган лойиҳаларни шакллантириш босқичларини;
- инвестиция дастурларида кўзда тутилган капитал қурилишни молиялаштириш тартибларини;
- инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни амалга оширишда ахборот банкни ташкил этиш жараёнини;
- инвестиция дастурлари мониторингини олиб бориш тартибини;
- инвестиция дастурлари мониторингини ишлаб чиқишда иштирок этувчи муассасаларнинг вазифаларини.

Магистрантлар мазкур ўқув фани бўйича юқорида таъкидлаб ўтилганлар бўйича тасаввурга эга бўлишлари, билимларини амалиётда қўллай олишлари ҳамда янгиликларни ўзлаштириш билишлари керак. Шунингдек, улар компьютерлардан ва бошқа замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш асосларини ўргатувчи фанларни ҳам ўзлаштиришлари керак.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалиётни солиштириш усулларини, магистрантларнинг мустақиллигини таъминловчи ўқув жараёнини, билим ва илмга бўлган қизиқишини ташкил қилиш билан бирга уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш бериш керак.

«Инвестиция дастурлари мониторинги» фанидан олган билимлар магистрантларга олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, уларнинг иш фаолиятларида учрайдиган амалий масалаларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга дойр адабиётларни ўрганиб, малакаларини оширишларида ҳам қўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар миқдорига минимал талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулоти мавзулари юзасидан магистрант тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтади. Ушбу талаблар амалий машғулоти мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича магистрантларнинг даре жараёнини тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди.

Машғулоти ҳажми бўйича тавсиялар

Ўқув режаси бўйича мазкур фанга жами 81, шу жумладан, 36-маъруза, 18-амалий, 27-мустақил таълим соатлари ажратилган.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза, кейин амалий машғулоти ўтказилади. Ўтилган мавзулар бўйича магистрантларнинг мустақил ўрганиши учун алоҳида мавзулар бўйича уй вазифалари берилади. Магистрантларнинг олган билимларини аниқлашда оғзаки ёки ёзма усуллар қўлланилади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган вазорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабалар билимлари даражаси ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралик ва якуний баҳолашда йиғилган баллар асосида белгиланади.

Фанни ўқитишда ҳар бир семестрда икки маротаба жорий, икки маротаба оралик ва бир маротаба якуний баҳолаш амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр давомида ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар ниҳоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида, охириги семестрда эса фақат ёзма иш усулида амалга оширилади.

Компьютер, информацией ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Куйидагилар «Инвестиция дастурлари мониторинги» фанини ўқитишнинг компьютер, информация ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларининг таркибий қисмлари ҳисобланади:

- ўқув мақсадлари ва вазифалар каталогини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан, слайд, компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш. Магистрантларга фанни замонавий усулларда ўргатиш, уларнинг
- мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун куйидагилардан фойдаланилади:
- магистрантларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- магистрантларга ўз билимини ўзи баҳолаши учун шароитни яратиш бериш;
- магистрантларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб, ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш ва ҳ.к.

Бу фанни ўқитишда инвестиция дастурлари мониторингига дойр қонунлар, ҳукумат қарорлари, инвестиция дастурлари мониторинги бўйича тавсиялар ва йўриқномалар, низомлар ва инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг ЮНИДО

услуги ва компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан "Капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" мутахассислигига иккинчи семестрда ўтилиши мўлжалланган. Бу фанни ўқитишда инвестиция дастурлари мониторингига дойр қонун ҳужжатлари ва компьютер дастурларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

«Инвестиция дастурлари мониторинги» фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Магистрантларнинг ўқув жараёнида аудиторияда олган назарий билимларини ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг усулида баҳолаш тавсия этилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

«Инвестиция дастурлари мониторинги» фани бўйича маъруза мавзулари Фаннинг предмети ва мазмуни. Ўзбекистон давлат инвестиция дастури «Инвестиция дастурлари мониторинги» фанининг предмети ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Давлат инвестиция дастури - мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, унинг истиқболлини белгилашнинг таркибий қисми сифатида. Инвестиция дастурининг мақсади ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси давлат инвестиция дастурини шакллантириш тартиби

Давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқиш жараёни ва ўзига хос жиҳатлари. Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби ва муддатлари. Инвестиция дастурида марказлашган молиявий маблағларнинг таркиби ва тутган ўрни. Инвестиция дастурида марказлашмаган инвестицияларнинг таркиби ва тутган ўрни.

Давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни шакллантириш жараёни

Давлат инвестиция дастурига инвестицион лойиҳаларни киритиш жараёни. Инвестицион лойиҳалар цикли. Лойиҳа циклининг мақсадлари. Лойиуани шакллантириш босқичлари: лойиуани аниқлаш ва тайёрлаш, баюолаш ва танлаш, тасдиқлаш ва молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қурилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига қурилишларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш. Марказлашган молиявий маблағлар ва бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштириш ва кредитлаш. Капитал қурилишда одисоб-китоб жараёни.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишда ахборот банкини ташкил этиш жараёни

Инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар базасини ташкил этишнинг зарурияти, мақсади ва вазифалари. Мониторинг маълумотлар банкининг шаклланиш асослари. Маълумотлар базасини тасдиқлаш жараёни. Давлат инвестиция дастури жадваллари шакллари. Лойиуалар %ақидаги ахборотларни мукамал ўрганиш.

Давлат инвестиция дастури мониторингини амалга оширишда иштирок этувчи вазирлик ва муассасаларнинг вазифалари

Давлат инвестиция дастури мониторингини назорат қилувчи органлар. Давлат инвестиция дастурини молиялаштиришда иштирок этувчи вазирлик ва муассасаларнинг вазифалари. Давлат инвестиция дастурининг амалга оширилишини назорат этувчи муассасалар фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси давлат инвестиция дастури мониторингини олиб бориш тартиби ва лойиҳалар мониторинги жараёни

Давлат инвестиция дастурининг баланслигини таъминлаш. Капитал қўйилмалар прогнози. Устувор инвестиция таклифлари рўйхати. Дастурни амалга ошириш ва мониторингини олиб бориш тартиблари. Лойиҳаларни баҳолаш ва назорат қилиш мезонлари. Давлат инвестиция дастури кодлари ва секторларини туркумлаш. Давлат инвестиция дастури жадваллари шакллари. Мониторингни амалга ошириш босқичлари. Мониторинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш

3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Давлат инвестиция дастури

Давлат инвестиция дастури - мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, истикболини белгилашнинг таркибий қисми сифатида. Инвестиция дастурининг мақсади ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси давлат инвестиция дастурини шакллантириш тартиби

Давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқиш жараёни ва ўзига хос жиҳатлари.

Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби ва муддатлари. Инвестиция дастурида марказлашган молиявий маблағларнинг таркиби ва тутган ўрни. Инвестиция дастурида марказлашмаган инвестицияларнинг таркиби ва тутган ўрни.

Давлат инвестиция дастурига киритиладиган лойиҳаларни шакллантириш жараёни

Давлат инвестиция дастурига

инвестицион лойиҳаларни киритиш жараёни.

Инвестицион лойиҳалар цикли. Лойиҳа циклининг мақсадлари. Лойиҳани шакллантириш босқичлари: лойиҳани аниқлаш ва тайёрлаш, баҳолаш, танлаш, тасдиқлаш ва молиялаштириш манбалари.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қурилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига қурилишларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш. Марказлашган молиявий маблағлар ва бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштириш ва кредитлаш. Капитал қурилишда ҳисоб-китоб жараёни.

Давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишда ахборот банкини ташкил этиш жараёни

Инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар базасини ташкил этишнинг зарурияти, мақсади ва вазифалари. Мониторинг маълумотлар банкининг шаклланиш асослари. Маълумотлар базасини тасдиқлаш жараёни. Давлат инвестиция дастури жадваллари шакллари. Лойиҳалар ҳақидаги ахборотларни мукамал ўрганиш.

Давлат инвестиция дастури мониторингини амалга оширишда иштирок этувчи вазирлик ва муассасаларнинг вазифалари

Давлат инвестиция дастури мониторингини назорат қилувчи органлар. Давлат инвестиция дастурини молиялаштиришда иштирок этувчи вазирлик ва муассасаларнинг вазифалари. Давлат инвестиция дастурининг амалга оширилишини назорат этувчи муассасалар фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси давлат инвестиция дастури мониторингини олиб бориш тартиби ва лойиҳалар мониторинги жараёни

Давлат инвестиция дастурининг баланслигини таъминлаш. Капитал қўйилмалар прогнози. Устувор инвестиция таклифлари рўйхати. Дастурни амалга ошириш ва мониторингини олиб бориш тартиблари. Лойиҳаларни баҳолаш ва назорат қилиш мезонлари. Давлат инвестиция дастури кодлари ва секторларини туркумлаш. Давлат инвестиция дастури жадваллари шакллари. Мониторингни амалга ошириш босқичлари.

Мониторинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Ўқув жараёнида кўргазмали воситалардан, слайдлар ва жадваллардан фойдаланиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишга шахсий компьютерлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

«Инвестиция дастурлари мониторинги» фанини ўрганишда магистрантлар амалий ёрдам тариқасида вазирлик ва идораларнинг инвестиция дастурини тайёрлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этган таклифлари рўйхати ҳамда уни ўрганиш бўйича амалий материаллар билан таъминланади.

Магистрантларга «Инвестиция дастурлари мониторинги» фанини ўрганишда турли ахборот воситаларидан, шу жумладан, Интернет тизимидаги қуйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланиш тавсия этилади:

<http://www.wisebuy.co.uk/>
[http:// subscribe.ru](http://subscribe.ru)
[http:// www.bimk.kiev.ua](http://www.bimk.kiev.ua)
<http://tininfo.bigural.ru>
<http://www.bashkortostan.ru>
<http://vuirute.iessl.ru>
<http://tut.by>
<http://www.zelenograd2001.narod.ru>
<http://econsultant.ru>
<http://megapolis.kharkov.ua>
<http://www.rada.kiev.ua>
<http://alyona.nns.ru>

Шунингдек, Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Молия вазирлиги, Марказий банк, хорижий инвестициялар бўйича Агентлик, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва бошқа вазирлик ҳамда идораларнинг амалий материалларидан, Тошкент давлат иқтисодиёт уиверситети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедия иловаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантларнинг фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий, оралик ҳамда якуний баҳолаш орқали амалга оширилади. Жорий ва оралик баҳолашга ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоизи миқдоридан белгиланган.

«Инвестициялар дастурлари мониторинги» фанидан магистрант тўплаши мумкин бўлган максимал балл 54 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 12,6, оралик баҳолашга 25,2, якуний баҳолашга 16,2 балл ажратилади. Жорий ва оралик баҳолашга белгиланган баллар қуйидаги мезонлар асосида қўйилади:

- магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;

- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмали куролларни тайёрлаши.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини яқуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

86 - 100 фоизгача (46,4 баллдан 54 баллгача) - "аъло";
 71 - 85 фоизгача (38,3 баллдан 46,3 баллгача) - "яхши";
 55 - 70 фоизгача (29,7 баллдан 38,2 баллгача) - "қониқарли";
 55 фоиздан кам (0 дан 29,6 баллгача) - "қониқарсиз".

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

3. Ўзбекистан Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги Қонуни, 1998. 30 декабрь.
4. Ўзбекистан Республикасининг «Чет эт инвестициялари тўғрисида» ги Қонуни. //Халқ, сўзи 1998. 20 май.
5. Ўзбекистан Республикасининг «Чет эт инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва унинг қафолатлари тўғрисида» ги Қонуни. //Халқ сўзи 1998. 21 май.
6. Каримов И.А. Ўзбекистан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. Каримов И.А. Ўзбекистан XXI асрга интиломда. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
8. Каримов И.А. 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазибаларга бағишланган маърузаси. Вазирлар Маҳкамаеининг йиғилишида сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи, 2002. 15 февраль.
9. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О дополнительных мерах по стимулированию экспорта продукции, производимой предприятиями с иностранными инвестициями» от 26 августа 1997 года. //Финансовое законодательство Республики Ўзбекистан, № 11 — Т., 1997.
10. Абдуллаева Ш. З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: Молия, 2000.
11. Абдуллаева Ш. З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия. 2002.
12. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г.. Анализ инвестиционных проектов: Учебное пособие- Т.: ТФИ 2000.
13. Абрютина М.С., Грачева А.В. Анализ финансово-экономической деятельности предприятий: Учебно-практическое пособие.- М.: Изд-во Дело и Сервис, 2001.
14. Беренс В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций. - М.: ИНФРА -М, 1995.
15. Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. - М.: Финансы и статистика, 1996.

Қўшимча адабиётлар

1. Резюме руководящих принципов для консультативных фирм, привлекаемых ЮНИДО для подготовки предварительных исследований и технико-экономических обоснований. ООН по промышленному развитию. Подготовлено Сектором технико-

экономических обоснований, Службы инвестирования, Отдел содействия инвестированию и использованию технологии. Март 1994.

2. Гитман Л. Дж, Джонк М.Д. Основы инвестирования. Пер. с англ. - М.: Дело, 1997.
3. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов - М.: Финансы и статистика, 1998.
4. Курс экономики: Учебник/ Под ред. Б.А. Райзберга. -М.: ИНФРА-М, 1997.
5. Финансы и управление предприятием/ Под ред. А.М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 1995.

Финансовый менеджмент: теория и практика: Учебник/Под ред. Е.С. Стояновой. - М.: Перспектива, 1996.